ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

У.БЎТАЕВ

Мақолада жамият барқарорлигини таъминлашнинг айрим жиҳатлари илмий жиҳатдан ёритилган, муаммонинг маълум ечим ва тавсиялари келтирилган.

Калит сўзлар: *тизим, хавфсизлик, тизимли ўрганиш, миллий хавфсизлик, минтақавий хавфсизлик, халқаро хавфсизлик, барқарорлик*

В данной статье освещены некоторые аспекты обеспечения стабильности общества, представлены конкретные решения, предложены рекомендации по этой проблеме.

Ключевые слова: *система, безопасность, системное исследование, национальная безопасность, региональная безопасность, международная безопасность, стабильность.*

In this article the author tries to analyze theoretically some aspects relating to the provision of stability in the society and suggests some pieces of concrete solutions and recommendations to settle the current problems in this field.

Keywords: *system, security, systemic research, national security, regional security,* international security, stability.

Ҳар қандай сиёсий тизимнинг асосий вазифаси хавфсизликни таъминлашдир. Лекин хавфсизликни таъминлаш мунтазам давом этадиган жараён ҳисобланади. Яъни, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъбири билан айтганда, хавфсизлик – узлуксиз ҳолатдир, ҳад-ҳудудсиздир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чикарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади деб белгилаб қўйилгани давлатимиз хавфсизлик тизимининг умумий кўринишини белгилаб беради.

Жамият ва давлатнинг хавфсизликни таъминлашга бўлган объектив эҳтиёжи, ўз навбатида, хавфсизлик муаммоларини назарий жиҳатдан тадқиқ этишни, яъни таҳдид ва хавфларни ўрганиш, уларнинг мониторингини олиб бориш, баҳолаш, прогнозлашни тақозо этади. Бу ўлчов услублар ёрдамида тадқиқот ўтказишни талаб этади. Яқин вақтгача хавфсизлик масалалари долзарб аҳамият касб этгани боис, муайян фанлар доирасида ўрганиб келинган.

Маълумки, хавфсизликни таъминлаш ва уни ўрганишга қаратилган ҳар қандай масала илмий ёндашувни талаб этади. Масалан, Н.Северцев ва В.Дедковлар хавфсизлик таҳлилини амалга оширишда тизимли таҳлил ва моделлаштириш концепцияларига асосланиш мақбул эканини кўрсатиб ўтади [1]. Зеро, муаммони тизимли ўрганиш жараёнида унинг объектив ва субъектив жиҳатлари аниқланса, моделлаштиришда унинг асосий элементларини ажратиб олиш имконияти яратилади. Бу, ўз навбатида, сабаб ва алоқадорликни ўрганишга ёрдам беради. Жамият барқарорлигини таъминлаш жараёнида тизим ва сиёсий тизимнинг ўрни ва ролини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

«Тизим» ибораси муҳим илмий категория ҳисобланиб, ундан дунёвий билимларнинг турли соҳаларида самарали фойдаланилади [2.13]. Бу эса «тизим» тушунчасининг маъно-мазмунини турли соҳа мутахассислари томонидан таҳлил қилишни англатади. Ҳар бир соҳа вакили соҳавий тушунчаларга таяниб, унинг қонуниятларини инобатга олиб «тизим» тушунчасига муносабат билдириши табиийдир. Масалан, иқтисодий тизим, техник тизим, экологик тизим, биологик тизим кабилар.

«Тизим» тушунчаси моҳиятига кўра иерархик жараён бўлиб, тизимнинг ташқи муҳит билан ўзаро боғлиқлигини ифодалайдиган, каттароқ тизимнинг муайян қисми, ўзининг яхлитлиги ва шахсий бўлакчалари йиғиндисини назарда тутади [3.84-85]. Тизимнинг муҳим жиҳати воқеликнинг ички таркибий қисмларга эгалиги, ушбу қисмлар орасида поғонали буйсунишнинг юзага келиши, шунингдек, бу қисмларнинг нисбий мустақиллигида акс этишидир [4].

Илмий адабиётларда «тизим» ва «система» иборалари синоним, айнан бир хил маъноли сўзлар тарзида қўлланади. «Фалсафа: қомусий луғат»да: *«Тизим, система (юн. systeme - қисмлардан иборат бутун) – ўзаро муносабат ва алоқада бўлган, муайян яхлитликни ҳосил қилувчи кўп қисмлар (элементлар) мажмуи»*, деб таъриф берилган [5.398]. Яна шу манбада қуйидаги изоҳларни учратиш мумкин: *«Система - юн. systeme - қисмлардан ташкил топган, қўшилган яхлит бир бутунлик сифатида ташкил топган объектни ифодаловчи фалсафий категория. Кўпинча, системани энг умумий тарзда элементлар ўртасидаги ўзаро алоқалар бирлиги сифатида таърифлайдилар. «Система» тушунчаси, ўз маъносига кўра «алоқа», «элемент», «бутун», «бирлик», «структура», (элементлар ўртасидаги алоқалар схемаси) тушунчалари билан боғлиқ. Бу ҳолда системали тадқиқ этишнинг асосий вазифалари: система элементлари, алоқалари ва структурасини, алоқалар ўртасидаги боғлиқликни ажратишдир. Системанинг моҳиятини эпистемологик методологик тушунишга кўра системалиликнинг объектлар ўз ҳоссаси деб эмас, балки фаолиятнинг аниқ бир мақсадга йўналтирилиши, тафаккурни ташкил этиш сифатида таърифланади»*[5.370].

Бу борада мутахассис-ҳуқуқшунос Х.Одилқориев қуйидагича талқин этади: *«Жумладан, система (тизим) атроф муҳитдан, ижтимоий ҳаётдан ажратиб олинган ўзаро ички муносабат ва алоқалар асосида бирлашган бир қанча элементлар ва улар таркибий тузилмаларининг яхлит бир бутунлигидир»* [1.16-17].

Бу жараёнга оид муносабат билдиришда шуни ёдда тутиш лозимки, тизим атроф-муҳит ва ижтимоий ҳаётдан ажралмайди, аксинча яхлит шаклда бирлашиб, турли элементлар муносабатга киришади. Бу масалага жамият хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қараганда, муайян соҳа ижтимоий-сиёсий ҳаётдан айри тарзда фаолият юритса, унинг фаолият маҳсули йўқолиб, фаолият даражаси ҳам пасайиб кетади.

Шунингдек, муаллиф «тизим» тушунчасини икки хусусиятга ажратган ҳолда таҳлил этади, яъни тизимнинг ички ва ташқи хусусиятларига кўра ажратишни жоиз деб ҳисоблайди. Хавфсизликни тизим сифатида ўрганишда тизимнинг ички хусусияти унинг миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ жиҳати ҳисобланади. Чунки

миллий хавфсизлик муайян давлатнинг мавжуд хавфсизлигидир. Бу жараёнда миллий хавфсизликни таъминлаш сиёсий тизимнинг бош вазифаси тарзида намоён бўлади.

Қолаверса, тизимнинг ички хусусияти деганда, муайян давлатнинг миллий суверенитети доирасидаги тузилмалар фаолиятига нисбатан хавфсизликни таъминлаш борасидаги таҳдид ва хавфларни аниқлаш, шахс, жамият, давлат манфаатларига қарши қаратилган таҳдидларни ички тизимга нисбатан мослашувчанлик даражасини тушуниш ҳам керак.

Тизимнинг ташқи хусусияти деганда, бевосита давлатнинг чегарасидан ташқаридаги фаолиятини назарда тутиш лозим. Чунончи, жамият хавфсизлигини таъминлаш жараёнида давлат ҳам ички, ҳам ташқи омилларни эътиборга олиши зарур. Бу билан халқаро алоқаларни йўналтириш орқали тизимнинг ташқи жиҳатини мустаҳкамлашга эришади. Буни «халқаро хавфсизлик тизими» дейиши мумкин.

Тизим иерархиклик принципига эга бўлганлиги боис **тизим→миллий хавфсизлик→минтақавий хавфсизлик →халқаро хавфсизлик дележмаси** юзага келади. Зеро, халқаро хавфсизлик тизими давлатлараро тизимнинг бир элементидир. Бу жараёнда ҳар бир давлат ялпи хавфсизликни таъминлаш бўйича ўз муносабатини муайян тизим асосида йўналтиради, назорат қилади, кучларни сафарбар этади.

*«Халқаро хавфсизлик тизими – халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида ташкил қилинган орган, куч ва механизмлар орқали икки ёки ундан ортиқ мамлакатлар хавфсизлигини таъминлаш яхлитлиги»*дир [6]. Шундай экан, «халқаро тизим» нима, унинг ибтидоси, бугуни ва истиқболи нималардан иборат, унинг барқарорлик тараққиётини белгиловчи омилларнинг бошқа тизимларга нисбатан фарқи ва умумийлиги нималар билан белгиланади?» каби қатор саволлар устида чуқурроқ мулоҳаза юритиш бугунги кун учун фойдадан ҳоли бўлмайди. Дарҳақиқат, кейинги пайтларда дунёга умумлашган параметрларга эга глобал халқаро тизим сифатида қараш, уни шу асосда таҳлил қилиш эҳтиёжи ошмоқда [7].

Шунингдек, таҳлил объекти сифатида қаралаётган «халқаро тизим» тушунчасининг бошқа, жумладан, унга яқин бўлган «жаҳон тизими» тушунчасидан фарқини англаб олиш керак. Ҳолбуки, «халқаро тизим» тушунчаси устувор даражада сиёсий мазмунга эга бўлса, «жаҳон тизими» тушунчасида эса кўпроқ социал маъно устуворликка эга. Демак, «халқаро тизим» «жаҳон тизими»га нисбатан кўлами кичик бўлиши баробарида «халқаро тизим» барқарорликнинг асосий атрибути сифатида намоён бўлмоқда. Шундай экан, «жаҳон тизими» мавжудлигининг узоқ муддатли таъминланиши ўз навбатида «халқаро тизим»нинг барқарорлик касб этиши билан чамбарчас боғлиқ [8.108-109].

Профессор Т.Жўраев фикрича, *«Тизимлар микро ҳамда макро даражада, яъни ҳудудий-маконий нуқтаи назаридан тор ва бениҳоя кенг бўлиши мумкин. Тизим макро даражадан микро даража томон ўз шаклини қанчалик ўзгартирса, унинг барқарорлиги ошиб боради»* [9]. Яъни, муайян тизимнинг таркибий қисмлари бир бутунликка бирлашади. Айнан умумийлик ва яхлитлик қисмларни бирлаштиради, уларнинг моҳияти, мазмуни ва шаклларини, тизим таркибидаги ўрни ва вазифасини, ўзаро таъсир этиш шакли ва усулларини белгилаб беради [10.209].

Тизим бир-бири билан доимий алоқада бўлган узвий жараён бўлиб, ўз тузилмаларига эга бўлган элемент ҳисобланади. Жамият яхлит бир тизим бўлганлиги боис, унинг барча қатламлари тизимлардан иборат бўлиб, муайян мақсад ёки стратегия йўлида хизмат қилади ва шу контекстда институционаллашади. Даставвал, бу жараён норасмий равишда кечиб, аста-секин институционаллашув натижасида расмийлашади. Масалан, хавфсизликнинг тизим сифатидаги асосий эътибори шахс, давлат ва жамият доирасида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маданий, психологик, экологик, ҳудудий, ҳарбий ва бошқа муаммоларни белгилаб, уларни ечиш усул-воситаларини аниқлайди, мамлакатдаги мавжуд кучлар ана шу муҳим вазифаларни бажаришга қаратилади [3.212]. Шунингдек, жамиятда шундай тизимлар юзага келадики, улар расмий равишда тузилмага эга ҳисобланиб, ўз мақсадини узоқ муддатли стратегияга йўналтиради. «Европа концерти» юқоридаги фикрнинг исботи бўла олади. «Европа концерти» (концерт тизими) Наполеондан кейинги даврда юзага келган дипломатик киризисни бартараф этиш мақсадида Европадаги етакчи давлатлар томонидан ташкил этилган ad hoc конференциялар тизимидир «Европа концерти» расмий институционал тузилмаларга эга бўлмаса-да, аниқ маъмурий мақсадни – Европада ўзаро маслаҳатлар орқали кучлар мувозанатини таъминлашни кўзда тутган [11.23].

Шунингдек, сиёсий тизимда ҳам расмий, ҳам норасмий институтлар жамиятнинг бошқа соҳалари нуқтаи назаридан тизим сифатида мақсад ва вазифага эгадир.

Тизимда хавфсизликни таъминлаш жараёни расмий ва норасмий институтлар фаолиятига

боғлиқ ҳолда кечади. Бу эса улар ўртасидаги кучлар мувозанати билан боғлиқ бўлиб, таъбир жоиз бўлса, хавфсизликни таъминлашдаги манфаатдорлик билан бевосита алоқадор бўлади.

Д.Зеркаловнинг «Сиёсий хавфсизлик» [12] номли монографиясида «Тизим қанчалик барқарор бўлса, унинг хавфсизлиги шунчалик юқори бўлади», деб таъкидланиши ҳам фикримизнинг исботидир. Шунингдек, тизимларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганишда уларни таснифлаш масаласи долзарб ҳисобланади. Чунки тизим ва унинг қисмлари ўзгарувчан бўлиб, жамият турли қатламлар, соҳалардан ташкил топганлиги боис тизимда мунтазам равишда ҳаракатлар конвертацияси кузатилади. Бунинг натижасида давлат сиёсий тизими ўзгариши барқарор/беқарор ҳолатларга олиб келади.

Умуман, тизим сиёсий ҳаётда муайян кўриниш ёки шаклга эга бўлгандан кейингина жараён сифатида ҳаракатлана бошлайди. Ҳар қандай моддий, табиий ва ижтимоий тизим, аввало, потенциал тусда бўлиб, кейинчалик воқеликка айланиши мумкин бўлгани каби, ҳар қандай муайян таҳдид ҳам бошланишида потенциал тусда бўлади [13.449].

Тизимнинг жамият барқарорлигини таъминлашдаги роли унинг элемент ва функциялари билан белгиланади. Чунки тизим элементларини ҳокимиятнинг уч тармоғи: қонун чиқарувчи, ижроия ҳокимияти, суд ҳокимияти, шунингдек, давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ташкил этар экан, жамият барқарорлигини таъминлаш жараёнида юқоридаги органларнинг вазифалари юзага келади. Тизимнинг функцияси эса давлат миллий хавфсизлигини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсати ишлаб чиқиш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, улар устидан назорат қилиш орқали амалга ошади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳар қандай сиёсий тизимнинг бош вазифаси муайян мамлакатда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Шу боис давлат ёки жамият ўз барқарорлигини таъминлаши учун, аввало, хавфсизлик тизимининг назарий ва амалий асослари яратилиши лозим. Шунингдек, ҳар қайси давлат сиёсий тизими айни давлат манфаатларига мувофиқ келиши керак. Зеро, тизим ва хавфсизликни таъминлашдан кўзланган мақсад битта, яъни шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Адабиётлар:

1. Северцев Н.А., Дедков В.К. Системный анализ и моделирование безопасности. – М.: Высшая школа, 2006.

2. Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятлар.- Т., 2010

3. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. – Т.: Akademiya, 2010

4. Блауберг И.В., Юдин Б.Г. Понятие целостности и его роль в научном познании. – М., 1972; Афанасьев В.Г.Системность и общество. – М., 1980.

5. Фалсафа: қомусий луғат/Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.: Шарқ, 2004

6. Жўраев С.А., Худойбердиев Б., Қосимова Н., Жалилов А., Қосимов О., Саидолимов С, Мухаммадиев У., Рустамбоев С, Ғофуров С. Халқаро муносабатлар.– Т.: Akademiya, 2006

7. Пантин В.И. Ритм общественного развития и переход к постмодернизму// Вопросы философии.- 1998. - №7.- С. 7; Теодор Шанин. Идея прогресса // Ж. Вопросы философии.- 1998. - №8.- С..54.58.

8. Глобалистика как наука // Вест МГУ, серия 7. Философия.- 1998.- №4. - С. 109-112.

9. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. – Т.: Akademiya, 2007

10. Керимов Д.А.Философские основания политико-правовых исследований. – М., 1986

11. Бобоқулов И.И. Хавфсизлик атамалар луғати. – Т.: ЖИДУ, 2011

12. [Электронный ресурс]: В трех книгах. Кн.1. Проблемы и реальность. Хрестоматия / Д.В.Зеркалов. – Электрон. данные. – К.: Основа, 2009. – 1 электрон. опт. диск (CDROM); 12 см. – Систем. требования: Pentium; 512 Mb RAM; Windows 98/2000/XP; Acrobat Reader 7.0. – Название с титульного экрана

13. Алексеев П.В., Панин А.В. Философия. Учебник. - М.: Проспект, 1996

Ўзбекистон миллий университети,
2013 йил 25 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: и.ф.н. Д.Нурматов)